

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Миллий ғоя, Маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

Жабборов Достонбек Дилмуроджон ўғли

«Суд ҳуқуқ ислоҳотлари: судлар мустақиллигини таъминлаш ва уларни
ихтисослаштириш фаолиятини такомиллаштириш»

5111600 Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ талими йўналиши бўйича
бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Илмий раҳбар: Ф.Думаев



Андижон - 2015

Мундарижа

Кириш.

I боб. I боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

- 1.1. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан кўзланган мақсад ва судлар мустақиллигини таъминлаш.**
- 1.2. Суд органларини ихтисослаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш.**

II боб. СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

- 2.1. Давлат ҳокимияти органлари тизимида суд органларининг тутган ўрни.**
- 2.2. Суд ҳокимиятини ташкил этишнинг конституциявий-ҳуқуқий тамайиллари.**

Фойдаланган адабиётлар руйхати

Хулоса

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган мустақил давлатимиз инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида жаҳон ҳамжамиятидаги мавжуд сиёсий жараёнлар билан ҳамоҳанг қадам ташламоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар фуқаролар турмуш тарзига тўлиқ кириб келаётганлиги кундан-кунга яққол сезилиб бормоқда. Президентимиз томонидан жазо амалиётини либераллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилгач, ижтимоий ҳавфи унча катта бўлмаган жиноят содир қилган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўллаш, иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда идтисодий таъсир чораларидан фойдаланиш, жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш жиноятчиликнинг олдини олишда самаралироқ усул эканлиги қонунлаштирилди. Юртбошимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришни талаб қилиш билан бирга судланувчиларга оғир жазо тайинланиш амалиётини қаттиқ қораладилар. Ҳақиқатан жазо тайинлашдан мақсад жиноят содир этган шахсга азоб бериш эмас, балки уни қайта тарбиялашдир.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, инсон ҳуқуқларига доир бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаган. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари ва умуминсоний қадриятлар миллий қонунчилигимизга сингдирилиб, устувор мақомга эга бўлди. Адолатли фуқаролик жамиятнинг ҳуқуқий асослари жадаллик билан шакллантирилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, бунда шахснинг

ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини реал таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Бу саъй-ҳаракатлар мамлакатимизнинг Асосий қонуни - Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа бир қатор қонунларда ўз ифодасини топди.

Республикамызда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва жамият ҳаётини эркинлаштиришга оид барча ислоҳотлар аҳолининг ҳуқуқий онги ҳам унга мутаносиб равишда ошиб борганида қўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади. Шу сабабли ҳам, ислоҳотлар изчиллик асосида, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан биргаликда олиб борилмоқда. Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир.

Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари. Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардан қўзланган асосий мақсадлардан бири фуқароларда суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан жазоловчи орган эмас, балки шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган органлар сифатида қарашни шакллантиришдир. Битирув малакавий ишимнинг вазифалари мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари билан таништириш, судлар мустақиллигини таъминлаш ва уларни ихтисослаштириш фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қонунчилигимизга киритилаётган ўзгартиришларни ёритиб беришдан иборат.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мен битирув малакавий ишимни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, Президентимиз И.А.Каримов асарлари ва маърузаларидан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларидан, ҳуқуқшунос олимлар: М.Рустамбоев, Д.Ахмедов¹, С.Хидиров, О.Хусанов²ларнинг китобларидан кенг фойдаландим.

¹ Рустамбоев М., Ахмедов Д., Ўзбекистон Республикаси конституциясини урганиш — Т.: “Янги аср авлоди”, 2005.

² Хусанов О. Ҳуқуқшунослик. — Т.: “Янги аср авлоди”, 2005.

Битирув малакавий ишнинг янгилиги. Суд ҳуқуқ ислоҳотлари, судлар мустақиллигини таъминлаш ва уларни ихтисослаштириш фаолиятини такомиллаштириш масаласини ўрганиш ҳамда уларни ривожлантириш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти. Бугунги кундаги Суд ҳуқуқ ислоҳотлари, судлар мустақиллигини таъминлаш ва уларни ихтисослаштириш фаолиятини такомиллаштириш масаласи ташкил қилади.

Битирув малакавий ишнинг тузулиши. Битирув малакавий ишим «Суд ҳуқуқ ислоҳотлари: судлар мустақиллигини таъминлаш ва уларни ихтисослаштириш фаолиятини такомиллаш» деб номланади ва мен мавзуни ёритишда икки бобдан ва 4 параграфдан иборат режа туздим.

Биринчи бобни Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг амалга оширилиши деб номладим ва биринчи параграфда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан кўзланган мақсад ва судлар мустақиллигини таъминлаш масалаларини ёритиб бердим.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфини суд органларини ихтисослаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш деб номлаб бу параграфда суд органларини ихтисослаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида батафсил баён қилдим

Битирув малакавий ишимнинг иккинчи боби суд ҳокимиятининг конституциявий асослари деб номланади ва икки параграфдан иборат. Биринчи параграфда давлат ҳокимияти органлари тизимида суд органларининг тутган ўрнини ёритиб, бунда Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди ва бошқа судлар ҳақида маълумотлар бердим.

Иккинчи параграфда эса суд ҳокимиятини ташкил этишнинг конституциявий-ҳуқуқий тамойиллари ҳақида ёздим ва битирув малакавий ишимни мавзуни ўрганиш натижасида чиқарган хулосаларим ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан якунладим.

I бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД-ҲУКУК ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ.

1.1. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан кўзланган мақсад ва судлар мустақиллигини таъминлаш.

Мамлакатимизда барча соҳаларда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос хусусияти — бу уларнинг босқичма-босқичлигида намоён бўлади, чунки ҳар бир босқичда аниқ чораларнинг амалга оширилиши ижтимоий, моддий ва ташкилий шарт-шароитларнинг мавжудлигига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг судларни ихтисослаштиришни назарда тутувчи 2000-йил 14-августдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони судларнинг мутлақо янгидан тузилишига асос солди.

Мазкур Фармон суддаги ишларнинг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди. Шунинг учун фуқароларнинг судларга бўлган ишончлари ортиб, бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан судга мурожаатлари кўпаймоқда. Судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш масаласи ижро ҳокимияти аралашувидан бутунлай холи қилинди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-йил 24-сентябрдаги Фармони билан «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси»нинг янги таҳрирдаги Низоми қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар фуқаролар турмуш тарзига тўлиқ кириб келаётганлиги кундан-кунга яққол сезилиб бормоқда. Мамлакатимизда жазо амалиётини либераллаштириш масаласи эса ижтимоий ҳавфи унча катта бўлмаган жиноят содир қилган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўллаш,

иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда иқтисодий таъсир чораларидан фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш жиноятчиликнинг олдини олишда самаралироқ усул эканлиги қонунлаштирилди. Юртбошимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни талаб қилиш билан бирга судланувчиларга оғир жазо тайинланиш амалиётини қаттиқ қораладилар. Ҳақиқатан жазо тайинлашдан мақсад жиноят содир этган шахсга азоб бериш эмас, балки уни қайта тарбиялашдир.

Иқтисодий жиноятларни содир қилган ва жиноят оқибатида келтирилган зарарни қоплаган кўплаб маҳкумлар қамоқ жойларидан озод этилди. Статистик маълумотларга кўра, мазкур қонун амалга киритилганидан буён бир йил давомида жиноят оқибатида етказилган 2.514.335.000 сўмлик моддий зарар қопланганлиги туфайли 2026 шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Демократик ва адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг асоси айнан суд-ҳуқуқ соҳасидаги ижобий ўзгаришларга боғлиқ эканлигини кўп бора таъкидланади. Хусусан, Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳам мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида «Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш» зарурлигини алоҳида уқтириб ўтдилар.

«Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши

муқаррар»³.

Баъзи ҳуқуқшунос олимлар фикрича, суд ҳокимияти «Қонунга бўйсундирилган ва суд ишларини юритиш тартибида қонунни қўллашга дават этилган органлар тизимини ташкил қилади»⁴. Суд ҳокимиятини таърифлашга доир бошқача ёндашув уни суд ишларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият сифатида тушунишдан иборатдир. Ҳар иккала концепция тарафдорлари томонидан тақдим этилган суд ҳокимияти тушунчасида узвий бирликни ташкил этадиган иккита асосий жиҳат ажратиб кўрсатилади.

Суд ҳокимиятини амалга ошириш тартиб-қоидаларининг бир неча кўринишлари қарор топганки, уларга суд ишларини юритишнинг Конституциявий, фуқаролик, хўжалик, жиноий ва маъмурий турлари киради. Бундай суд ишларини юритиш махсус қонун ҳужжати билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикция судларининг фуқаролик ишларини кўриб чиқадиган ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишдаги жиддий қадам бўлди. Бу нарса, албатта, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатланишини янада кучайтиради, судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини тўлароқ таъминлайди. Судлар ихтисослашуви одил судловни амалга ошириш учун қўшимча кафолат бўлади.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Англия, Франция, Италия, Германияда кўплаб ўн йилликлар давомида одил судловнинг ихтисослашган судлар томонидан амалга оширилиши ўзини оқлаб келмоқда. Шу мамлакатларнинг айримларида судьялар ихтисослашуви бундан ҳам кенгроқ бўлиб, масалан, оила, меҳнатга оид

³ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.-49-бет.

⁴ Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства. Т.1. СПб.1996.С.158.

ишлар, вояга етмаганларнинг ишлари ва шу кабилар бўйича табакалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси ҳам суд фаолиятини янада ихтисослаштириш йўлидан илдам бормокда.

«Судлар тўғрисида»ги қонундаги асосий янгиликлардан бири умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви — фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича мустақил судлар ташкил этилишини жорий қилишдан иборат бўлди. Қонун илк марта умумий юрисдикция судларида процессуал қонунчиликнинг энг муҳим институтларидан бири — ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқилишининг жорий этилишини назарда тутди.

Бундай институт халқаро амалиётда синовдан ўтган ва Республикада ҳўжалик судлари тизимида қўлланиб келинади. Ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқилиши юқори суд инстанциясига далиларни бевосита текшириб чиқиш ва ишнинг моҳияти бўйича қарор қабул қилиш имконини беради, бу эса, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг кафолатларини анча кучайтиради, суд ишларини юритиш самарадорлиги ва оперативлигини оширади, давлат маблағларининг жиддий тежалишига олиб келади.

Жиноят-процессуал ва фуқаролик процессуал қонунларига ўзгартиришлар киритилиш судлар ихтисослашуви жорий этилишининг мантикий давоми бўлди, бундай ўзгартиришлар туфайли процесс иштирокчилари ҳуқуқларига риоя қилинишининг процессуал кафолатлари кенгайди, судда ҳимояланиш ҳуқуқини амалга оширишга доир қонуний механизм кучайтирилди, суд процессида тортишув тамойили таъминланиши томон кескин қадам қўйилди.

Суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш институтларининг жорий этилиши судда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни ўз вақтида тузатиш учун қўшимча кафолат ҳисобланади.

«Судлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши давр талаби эди. Бу қонун судлар мустақиллигини мустаҳкамлади,

судьялик лавозимига тавсия қилишнинг янги тартибини белгилади. Қонуннинг ушбу талаби ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тавсия қилиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрири тасдиқланди.

Судьяларнинг мустақиллигига эришиш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника ва маблағ билан таъминлаш масалаларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001-йил 22-сентябрдаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган-суд қарорларининг ижро этилиши. судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти, унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди.

Департаментнинг асосий вазифаси суд ҳужжатларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва маблағ билан таъминлашга доир ишларни ташкил этишдан ташқари, судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган капитал маблағларнинг самарали ўзлаштирилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборат. Судьялар ва суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш, суд ижрочилари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳам Департамент вазифаларига киради.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти янги босқичининг бошланғич нуқтаси, шубҳасиз, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси бўлди. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов сессияда сўзлаган нутқида Ўзбекистон мустақилликка эришганлигининг ғоят катта аҳамиятини, мамлакатнинг ўн йил давомида демократия ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожланиши шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилган.

Туб ўзгартиришлар муҳимлигини таъкидлаб, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноят қонунчилигини инсонпарварлик,

адолатпарварлик, ҳуқуқий фуқаролик жамияти тамойилларига мос равишда либераллаштириш масалалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида тақдим қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Олий Мажлис томонидан суд-ҳуқуқ ислохотларининг иккинчи босқичини бошлаб берган қонуннинг қабул қилиниши натижасида жиноят қонун ҳужжатларининг умумий йўналиши бутунлай ўзгариб, ҳуқуқий демократик давлат қоидаларига, фуқаролик жамиятини шакллантириш шарт-шароитларига янада кўпроқ даражада мувофиқ бўлди.

Суд-ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини яратишдан, умуман олганда, хусусан, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг менталитетини ўзгартиришдан иборат бўлса. ҳозирги асосий вазифа эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, уларнинг самарадорлиги ва мавжудлигини «сўзда эмас, қоғозда эмас, балки амалий ҳаётда фуқароларнинг ҳуқуқий ва эркинликларининг зарур кафолатларини таъминловчи демократик принципларни» рўёбга чиқаришдан иборат бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммасини жамлаб олганда олдимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини ривожлантиришнинг янги истиқболлари кўндаланг бўлади, энг аввало, уларни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш, уларга ҳар томонлама ёндашиш ва изчил равишда амалда рўёбга чиқариш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005-йил 28-январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги

энг муҳим вазифа сифатида ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқини судга ўтказиш, жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш вазифаларини қўйди ва уларни бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари эканлигини таъкидлади.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг моҳияти ва маъноси «Адолат қонунни оғишмай рўёбга чиқаришдадир» деган қоидадан иборат болмоғи лозим. Айни мана шу ғоя суд-ҳуқуқ ислохотлари тамойилининг ўзагига, унинг руҳи ва моҳиятига айланиши, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг бутун жараёнига дахл қилиб қолмай, балки жамият, давлат қурилишини бутунлай ислоҳ қилиш жараёнининг таркибий қисмига ҳам айланиши керак. Шу муносабат билан модернизациялаш қонуннинг шак-шубҳасиз устуворлиги қоидасига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Судьялар ва судларнинг ихтисослашувини давом эттириш, шак-шубҳасиз, суд ҳокимияти фаолиятининг самарадорлигини ошириш борасида ташланган муҳим ва амалий қадам бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасидаги демократлаштириш ҳамда тубдан янгиланиш жараёнлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Мамлакатимизда ҳақиқий маънодаги фуқаролик жамияти қуришнинг қонунчилик базаси изчиллик билан мустаҳкамланмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасида катта ўзгаришлар юз берди⁵.

Қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш ва аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласини устувор

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.-11-бет.

вазифа деб қараш ва шу асосида йўл тутиш, бу жараёни тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви бу шунчаки қонун талабининг юмшатилиши ёки заифлашуви эмас, балки, аксинча қонунларнинг инсонийлик ва демократик асослари мустаҳкамланишидир.

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири фуқароларда суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан жазоловчи орган эмас, балки шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган органлар сифатида қарашни шакллантиришдир. “Яна бир муҳим масала – суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш ҳақида алоҳида тўхталиш ўринлидир. Бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди⁶” деган фикрлари Юртбошимизнинг ушбу масалага давлат миқёсида қанчалик эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Республикамызда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг тамал тоши бу Асосий қонун – Конституциядир. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Президентимиз Ислон Каримов айтганларидек, Конституция давлатимизнинг қонунчилик негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатимизнинг тамал тоши бўлади.

Мамлакатимиз Асосий қонуни - Конституция асосида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. 1993 йилда “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши судларнинг мустақил ҳокимият тармоғи сифатида шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

⁶ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Асарлар, 13-жилд, Т.: Ўзбекистон, 2005. – 109-бет.

Суд ҳокимияти давлат органлари тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига бевосита дахлдор бўлиб, одил судловни амалга ошириш фаолияти натижасида шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади.

Суд ҳокимияти, давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, у ўз функцияси бўйича ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларидан фарқ қилади. Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан биргаликда мавжуд бўлиши демократик давлатнинг муҳим белгисидир.

Конституция ва ушбу қонун асосида мамлакатимизда мустақил суд ҳокимияти шаклланди, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ваколатларини янада кенгайтиришга доир ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиши учун замин тайёрланди. 1996 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ VI сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий мақсади суднинг алоҳида ва мустақил ҳокимият тармоғи сифатидаги мавқеини қайта тиклашдан иборат эканини ҳар томонлама асослаб берди. Шу асосда юртимизда суд ҳокимиятининг янги тармоқлари яратилди. Суднинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кафолатлашнинг ҳуқуқий меъёрлари такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг одил судлов органлари давлат ҳокимиятининг мустақил бир тармоғига кирувчи ва қонун устуворлигини таъминлаб, тартибга солиб турувчи органдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳўжалик судидан, шу муддатга

тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат”дир деб белгиланган.

2000 йил 14 декабрь куни қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририга кўра, юқорида санаб ўтилган суд тизимига ўзгартиш киритилиб, судлар ихтисослаштирилди, яъни жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари жорий қилинди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида суд тизimini такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (ПФ-2682. 2000 йил 14 август) билан умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви, яъни, фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ажратилгани судларда ишларни кўриш ва ҳал қилиш сифатининг ошишига, судьяларнинг профессионаллашувига, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилинишининг янада такомиллашишига сабаб бўлди.

Ушбу фармон талаблари ва республикада суд ислохотларини олиб боришнинг янги босқичига ўтилишини таъминлаш мақсадидида 2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу қонун умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларининг замон талаблари асосида фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлди⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси асосида судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикция судларнинг фуқаролик ишларини кўриб чиқадиган ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизimini ислох қилишдаги жиддий қадам бўлди. Бу нарса, албатта, фуқаролар ҳуқуқ ва

⁷ “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. – Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

эркинликлари ҳимояси кафолатланишини янада кучайтиради, судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини тўларок таъминлайди.

Жамият ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда суд органларининг таъсири кучли бўлиб, улар ҳуқуқни давлат номидан кафолатлайди, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликларини қонун устуворлиги тамойили асосида амалда қўлланилишини назорат қилади.

Суд ишлари ичида уларга юклатилган энг асосий вазифа - бу одил судловни амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, суд ҳокимияти ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

- 1) конституциявий назорат;
- 2) давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текшириш;
- 3) суд ҳукми ва қарорларининг ижросини таъминлаш;
- 4) судларга тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини кўриб, текшириб чиқиш;
- 5) суд амалиётидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик масалалари бўйича тушунтириш бериш;
- 6) судьялар таркибининг шаклланишида иштирок этиш ва шу масалада тегишли органларига ёрдам бериш.

Юртимизда судьяларнинг мустақиллиги асосий конституциявий тамойиллардан бўлиб, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва самарали фаолиятини, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила олишини таъминловчи муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Судьяларни лавозимига тайинлаш ва вазифасидан озод қилишнинг алоҳида ҳуқуқий механизми судьялар мустақиллиги кафолатларидан бири сифатида хизмат қилади. Судьялар мустақиллигини таъминлашнинг кафолат тизими "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 67-моддасида белгилаб қўйилган

бўлиб, у қуйидагилар орқали таъминланади:

- қонунда белгиланган тартибда судьяларнинг сайланиши, тайинланиши;
- судьяликдан озод қилиниши;
- уларнинг дахлсизлиги;
- одил судловни амалга оширишдаги қатъий мезон;
- қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқлангани;
- судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарликнинг белгилангани;
- судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдими асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланади. Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар судлари ҳамда уларга тенглаштирилган судлар (ҳарбий судлар) судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланади.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 72-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьясининг ваколатлари муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар судьясининг ваколатлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; хўжалик судлари

судьясининг ваколатлари Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларининг ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- 1) судья қасамёдни бузган тақдирда;
- 2) ёзма ариза берган тақдирда;
- 3) судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттираверган тақдирда;
- 4) суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;
- 5) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
- 6) унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- 7) суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;
- 8) соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра, узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларида судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш борасида ҳам бир қанча ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 мартдаги ПФ-2817-сонли фармони; "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 24 сентябрдаги ПФ-2943-сонли фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" 2006 йил 17 мартдаги ПФ-3725 – сонли фармонлари республикамізда

малакали судьялар корпуси шаклланишида муҳим асос бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг яна бир жиҳати суд қарорларининг ижросини таъминлашга қаратилди. 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун суд қарорлари ижросини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Мамлакатимизда судьяларнинг мустақиллигига эришиш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техник ва маблағ билан таъминлаш масалаларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган - Суд қарорларининг ижро этилиши, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори суд қарорларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади.

I бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД-ҲУКУК ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ.

1.2. Суд органларини ихтисослаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Судда ишларни кўришни тартибга соладиган фуқаролик процессуал, жиноят процессуал ва хўжалик процессуал кодексларига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар асосида ишни кўриш босқичи сифатида апелляция инстанцияси киритилди.

Суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори, ҳукмлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдирилиши мумкин. Апелляция институтининг киритилиши фуқароларда қонуний кучга кирмаган суд қарорларини юқори судда қайтадан кўриш имкониятини, унда ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча кафолатларни яратди. Ўз навбатида кассация инстанциясининг мазмун-моҳияти ҳам ўзгартирилди. Ушбу ўзгаришлар натижасида фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлишди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганини таъкидлаш лозим. Амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда адвокатура институти ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш - одил

судловни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда адвокатларнинг ўрни бекиёсдир.

Адвокатнинг ёрдами, унинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш фаолияти, айниқса, жиноят ишларини юритиш жараёнида яққол намоён бўлади. Жиноят процесси шахс ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий таъсир қилиши мумкинлиги сабабли ҳам у тарафлар тортишуви принципи асосида ташкил қилинган. Жиноят процессида тортишув принципи куйидаги асосий жиҳатларни белгилайди:

- 1) айбловнинг суддан ажратилгани;
- 2) суднинг процессдаги мустақил, фаол ҳолати ва фақат судга иш юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқининг берилиши;
- 3) ўз функцияларини бажариши учун тарафларнинг тенг процессуал ҳуқуқларга эга бўлиши;
- 4) айблов ва ҳимоялаш функцияларининг одил судлов вазифасидан ҳамда уларнинг ўзаро бир-биридан ажратилгани.

Айблов ва ҳимоялашнинг мустақил функция сифатида ажратилгани ҳамда уларнинг ўзаро бир-биридан суд фаолиятидан ажратилгани тортишув принципи таянадиган ва амал қиладиган асосдир.

Тортишувда тарафларнинг тенглиги — ҳақиқатни аниқлашнинг энг кучли усули, тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатидир.

Тортишув асоси бутун суд жараёнининг қиёфасини, таркибий тузилмасини белгилайди, ҳукмга ўзига хос ишонч беради, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий аҳамиятини оширади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ судда иш кўриш жараёнида тарафлар тенглиги, жумладан, прокурор ва адвокат (ҳимоячи)нинг процессуал тенглигини таъминлашга қаратилган ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Судда ишларни кўриш тартибини белгилайдиган процессуал қонунлар (ФПК, ЖПК, ХПК), судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги, адвокатура тўғрисидаги қонунларда тарафлар тенглигини таъминлашга оид қоидалар белгиланиб, улар изчиллик билан

такомиллаштириб борилди.

2008 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши адвокатура институтининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ўрнини оширишда муҳим қадам бўлди. Ушбу фармон асосида адвокатлик тузилмалари тубдан кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи барча шахсларни бирлаштирган Адвокатлар палатаси тузилди. Ушбу палатанинг тузилиши адвокатлик фаолияти натижаларини умумлаштириш, адвокатлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини ташкиллаштиришда муҳим қадам бўлди. Шунингдек, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунга ҳам адвокатура фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. 2008 йил 31 декабрда адвокатура тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун асосида жиноят-процессуал қонунга инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кенгайтиришга қаратилган жуда катта ўзгартишлар киритилди. Жумладан, ҳимоячининг ишда иштирок этиши имкониятини кенгайтирадиган ўзгартишлар киритилди, ҳимояси остидаги шахс билан учрашиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан рухсат олиш мажбурияти бекор қилинди, бунинг учун адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассасаси томонидан бериладиган ордернинг ўзи етарли бўлишини белгилайдиган ўзгартишлар киритилди. Шу билан бирга, жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда жуда муҳим қадам бўлган – гувоҳ адвокати институти жиноят процессига киритилди. Гувоҳ адвокатининг киритилиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан процесс иштирокчиларига нисбатан турли ноқонуний хатти-ҳаракатларининг олдини олишда, тергов ва суд хатоларини камайтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жиноят ишларини юритиш жараёнида процесс иштирокчилари ҳимоясини

таъминлаш борасида энг илғор демократик, умуминсоний принципларни ҳаётга татбиқ этишга олиб келди ва бошқаларга ўрнак бўладиган ҳуқуқий кадриятлар яратилишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақирик олтинчи сессиясида давлатимиз раҳбари “Адолат – қонун устуворлигида” мавзусида маъруза қилди. Маъруза мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунларни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кенгайтириш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

2001 йил 30 августда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди, ушбу қонун асосида жиноятларнинг таснифланиши ўзгартирилди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Бундай ёндашув кўпгина демократик, ривожланган давлатлар амалиётига тўла мувофиқдир.

Жиноят қонунида ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра жиноятлар 4 турга ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик

оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Оғир жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

2001 йилда жиноятларнинг таснифи ўзгартирилиши натижасида оғир ва ўта оғир деб ҳисобланувчи жиноятлар сони кескин камайди ва натижада уларга нисбатан қўлланадиган жазо чоралари ҳам ўз навбатида енгиллаштирилди. 2001 йилгача бўлган вақтда жиноят қонунида оғир ва ўта оғир жиноятлар нисбатининг юқорилиги жазо чораси сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашни тақозо қилар эди. Бу эса жазонинг мақсадига зид ҳисобланиб, ундан кўзланган мақсадга эришиш имкониятларини камайтирарди. Жазо - бу жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат томонидан суд ҳукми асосида қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир. Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланади.

Амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ, қуйидаги жиноий жазо турлари мавжуд:

- жарима;
- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- хизмат бўйича чеклаш;
- қамоқ;
- интизомий қисмга жўнатиш;

- озодликдан маҳрум қилиш;
- умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланиши мумкин.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига киритилган ўзгартишлар туфайли озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш имконияти кенгайди. Натижада мамлакатимиз, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахслар бўйича дунёда энг паст кўрсаткичга эга бўлди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида шахс озодлигини чеклайдиган жазо чоралари ўрнига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни рағбатлантирадиган, айниқса иқтисодий соҳадаги жиноятлар учун жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди.

Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди. Жиноят қонунчилигида етказилган зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланишини истисно қиладиган рағбатлантирувчи нормалар киритилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг яна бир муҳим босқичи 2005 йилда амалга оширилди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2005 йил 28 январь куни “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” деб номланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида “Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала – бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир. Бу ўринда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда. Биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб

ушбу масалани ҳал қилиш устида иш олиб бормоқдамиз”⁸, деб таъкидлаб ўтди.

“Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепцияси” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сонли қарори билан тасдиқланган)да жазо тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш ва уни умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштиришда устувор йўналишларни амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 2005 йил 1 август куни имзоланган “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги фармони суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг жуда муҳим босқичи ҳисобланади. Ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан бекор қилинишининг зарурий хусусияти жиноят содир этган шахснинг жазосини енгиллаштириш ёки бундай шахсларга мурувват кўрсатишдан ҳам кўра кўпроқ айбсиз кишиларнинг гуноҳсиз жазоланиб кетишининг олдини олиш учун ҳам муҳимроқ ҳисобланади.

“Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”, – дейилади. Асосий қонунимизнинг 24-моддасида. Мазкур ҳуқуқ – инсоннинг энг асосий ҳуқуқи, уни ҳаёт кечиришининг кафолатидир. Мазкур фармон Асосий қонунимиздаги ушбу қонидани ҳаётга татбиқ этиш имкониятини яратди.

Йилдан-йилга дунёда ўлим жазосидан воз кечаётган давлатлар сафининг ортиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, 1990 йилдан ҳозирга қадар 45 дан ортиқ давлатда ўлим жазоси бекор қилинди. Ҳозирги кунда дунёнинг 69 та давлатида ўлим жазоси сақланиб қолмоқда⁹.

Интернет орқали “Халқаро амнистия” ташкилотининг 2011 йил 17 ноябрда берган ахборотида қуйидаги маълумотлар эълон қилинган:

⁸ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қахон, ҳечкимга қарам бўлмайди. – Асарлар, 13 –жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 188-бет.

⁹ Отчёт Специального Докладчика Парламентской Ассамблеи Совета Европы по вопросу смертной казни, Ренаты Вольвенд (Лихтенштейн), «Europe, a Continent, Free of the Death Penalty», 1999

- ўлим жазоси батамом бекор қилинган мамлакатлар – 90 та;
- фақат алоҳида ҳолларда (ҳар бир жиноятлар учун) ўлим жазоси сақланган мамлакатлар – 15 та;
- қонунчилигида ўлим жазоси сақланган бўлса-да, кейинги ўн йил давомида бу жазо ижро қилинмаган мамлакатлар – 23 та;
- ўлим жазоси сақланган бўлса-да, йил сайин бу жазони камроқ қўллаётган мамлакатлар – 78 та;
- ўлим жазоси вояга етмаганларга 1990 йилдан буён қўлланиб келган мамлакатлар – 8 та (АҚШ, Хитой, Саудия Арабистон, Покистон, Эрон, Конго, Яман, Нигерия).

Кейинги йигирма йил давомида 50 та давлат, шу жумладан, Канада, Парагвай, Мексика, Туркменистон, Арманистон, Туркия, Греция, Кипр, Сенегал каби мамлакатлар бу жазодан воз кечди. Шу йилларда фақат 4 давлат (Непал, Филипин, Гамбия, Папуа – янги Гвинея) қонунларида ўлим жазоси тикланган, лекин амалда деярли қўлланмаган. Умуман, ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ярмидан кўпи қатл қилинмаган. Чунончи, 2011 йилда 64 мамлакатдаги судлар 7 395 жиноятчига нисбатан ўлим жазоси тайинлаган, лекин бу жазо фақат 25 мамлакатда 3 797 кишига нисбатан ижро этилган. Уларнинг 97 фоизи Хитойда (3400 маҳкум), Эронда (759), Вьетнамда (64) ва АҚШда (59) қатл қилинган¹⁰.

Афсуски, ноҳақ ўлим жазоси тайинлаш ва ижро қилиш ҳоллари оз эмас. Хусусан, АҚШда 1900-1985 йилларда ўлим жазоси 350 нафар айбсиз шахсга нисбатан ижро этилгани расман тан олинган. Кейинги ўттиз йил мобайнида бу жазога маҳкум этилганлардан 121 киши, айбсизлиги аниқланиб, ўлим камераларидан озод қилинган. Кези келганда шуни ҳам эътироф этиш жоизки, шўролар даврида суд ҳукми ва маъмурий тузилмаларнинг қарорлари, ҳатто олий раҳбариятнинг “розилиги” билан 800 мингга яқин ҳур фикрли шахслар “аксилинқилобий” жиноятларда айбланиб, отиб ташлангани

¹⁰ Международное право об отмене смертной казни. <http://diplomnie.com/publ/31-1-0-4458>

инсоният тарихидаги аянчли фожиалардан биридир¹¹.

Деярли ҳамма мамлакатларда узоқ ўтмишдан буён жиноятчиликка қарши кескин кураш чораси сифатида қўлланиб келган ўлим жазосига барҳам бериш ҳозирги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Бу борада БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши 1984 йил 5 майда маъқуллаган “Ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш чоралари” ва 1989 йил 24 майда тавсия этган “Қонунсиз, ўзбошимча ва оммавий ўлим жазоларининг олдини олиш ва тергов қилиш самарадорлиги принциплари” номли халқаро ҳужжатларда барча давлатларга бир қатор талаблар қўйилган.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”нинг БМТ Бош Ассамблеяси 1989 йил 15 декабрида қабул қилган ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив баённомаси барча ҳукуматларни ўлим жазосини бекор қилишга ва бу ҳақда мазкур баённомани имзолашга чорлайди. Ҳозирги кунда ушбу Баённомага 61 мамлакат қўшилган. Ҳар бир давлат Баённомани ратификация қилиш ёки унга қўшилиш чоғида ўлим жазоси фақат уруш ҳолати вақтида ўта оғир ҳарбий жиноят содир этганларга қўлланиши мумкинлиги ҳақида эслатиб ўтилади.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларнинг ўрни яна шу билан ҳам белгиланадики, унда умумжаҳон манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий меъёрлар мужассамлашгандир. Ҳозирги кунгача инсон манфаатларини кўзлаб кўплаб халқаро ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар универсал ва минтақавий характер касб этади. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 70 га яқин, Европа Кенгаши томонидан 160 дан зиёд, ЮНЕСКО томонидан 70 дан ортиқ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан 30 дан ортиқ, турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди. Бугунги

¹¹ Абдумажидов Ғ.А., Саломов Б. Ўлим жазосини бекор қилишда ижтимоий-ҳуқуқий йўналишлар. Ўлим жазосини бекор қилишнинг ташкилий - ҳуқуқий жиҳатлари. Илмий-амалий анжуман материаллари. /Масъул муҳаррир: Б.Ахроров. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – 45-бет.

кунда ҳаммаси бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича 400 га яқин халқаро ҳужжат мавжуд. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги тамойили аксари давлатлар томонидан тан олинган¹².

Ўлим жазосини тақиқлашга қаратилган халқаро стандартларга қуйидаги ҳужжатларни киритишимиз мумкин:

- БМТ доирасида қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Иккинчи қўшимча протоколи;
- Европа кенгаши доирасида икки ҳужжат: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг қўшимча 6 ва 13 протоколлари;
- Европа Иттифоқи доирасида Европа Иттифоқининг фундаментал ҳуқуқлар хартиясининг 2 моддаси. Ушбу модда бажарилиши сиёсий мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади ва унга кўра ҳеч ким ўлим жазосига ҳукм қилиниши ва қатл этилиши мумкин эмас¹³.
- БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А(XXI) Резолюцияси билан қабул қилинган ва 1976 йил 23 мартдан эътиборан кучга кирган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари бўйича халқаро пактнинг 6-моддаси барча давлатларни ўлим жазосини бекор қилишга ҳамда 18 ёшга тўлмаган ва ҳомиладор аёлларни олий жазога тортмасликка чақиради.

Таъкидлаш лозимки, республикамизда ўлим жазосини чеклаш мустақиликнинг дастлабки йилларидан бошланган эди. Жиноий жазо сиёсатини либераллаштириш натижасида қатор оғир жазоларни енгиллаштириш билан бирга ўлим жазосини чеклаш, уни қўллашни қисқартириш тенденцияси кўзга ташланди. Ҳозир амал қилаётган ЖКда (1994 йил, сентябрь) дастлаб 13 турдаги жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бундай жиноят таркиблари сонини 8 тага туширди. 2001 йилда қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан

¹² Международное право в документах: Учеб. пособие. Сост.: Н.Т. Блатова, Г.М. Мелков. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Инфра-М, 1997. С.103.

¹³ Смерная казнь в регионе ОБСЕ. Справочный документ. ОБСЕ/БДИПЧ, 2004/1. -С.8

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят–процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунга мувофиқ, бундай жиноятлар сони 4 тага қисқартирилди. Ушбу қонун ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган қилмишлар сонини норматив жиҳатдан камайтирибгина қолмасдан, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ривожланишининг мутлақо янги марраларини белгилади. 2003 йилнинг декабридан эътиборан ўлим жазосини фақат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун қўллаш назарда тутилди.

Ўлим жазосини бекор қилишни қонунчилик йўли билан таъминлаш, бу борада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таёрлашни жадаллаштириш мақсадида 2006 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши эълон қилинди. Мазкур фармойишга асосан Олий суд, Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари мутахассислари, мамлакатимиз илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг етакчи эксперт ва олимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, гуруҳ томонидан кенг жамоатчилик ва хорижий мутахассислар билдирган фикр ва мулоҳазалар, илмий-амалий конференциялар, семинар, давра суҳбатларининг натижалари ва тавсиялари умумлаштирилиб, қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилди.

"Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 15 июнда қабул қилинди, Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланиб, 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

Қайд этиш лозимки, ушбу Қонунни ишлаб чиқишда умумэътироф этилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоида ва принциплари ҳар томонлама инобатга

олинган. Шунингдек, бир қатор Европа (Австрия, Германия, Дания, Польша, Франция, Швейцария, Швеция ва бошқ.), Осиё (Япония, Корея, Хитой ва бошқ.) ҳамда МДХга аъзо давлатларнинг (Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон ва бошқ.) тажрибаси ўрганилган ва ижобий натижалардан фойдаланилган..

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариш ва уни умрбод ҳамда узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш, жазони тайинлаш ва ижро этиш тартиби ҳамда шартларини белгилаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий масала ҳисобланади. Чунки у демократия ва инсонпарварлик идеалларига жавоб берувчи фуқаролик жамиятини қуриш билан боғлиқдир.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини жиноят қонунига киритилишига сабаб бўлди. Ушбу жазо ғавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланиши мумкин эмас.

Мамлакатимизда дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. 2005 йил 8 августда “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақида”ги фармоннинг қабул қилиниши Конституциямизнинг 19 ва 44-моддалари қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш, судни учинчи ҳокимият сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва энг муҳими, дастлабки тергов

вақтида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтириш борасида беназир қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

2008 йил 1 январдан қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши дастлабки тергов даврида айбланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши имкониятларини кенгайтди, ушбу жараённинг очиқ, демократик тарзда ҳал қилинишини таъминлади, санкция бериш вақтида ҳимоячи иштирокини таъминлашни янада кенгайтди.

Мамлакатимизда жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштиришда жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилган ўзгартишларга мувофиқ тергов ва шахсни қамокда сақлаш муддатлари қисқартирилгани ҳам муҳим аҳамият касб этди. 2001 йилда Жиноят процессуал қонунга киритилган ўзгартишлар туфайли дастлабки тергов муддати икки йилдан бир йилгача, эҳтиёт чораси сифатида қамокда сақлаш муддати эса бир ярим йилдан бир йилгача қисқартирилгани ва ушбу муддатнинг узайтиришга йўл қўйилмаслиги, туман ва шаҳар прокурорларидан тергов муддатини узайтириш ҳуқуқининг олиб ташлангани шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятларини янада оширди.

Ярашув институти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессиясида янги ҳуқуқий институтни жорий этди. “Жабрланувчи билан ярашув” тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди. 2001 йилдан бошлаб ярашув институтининг киритилиши республикаимизда жиноий жавобгарликка тортилган шахслар сонининг кескин камайишига хизмат қилди.

Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг

изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган.

Юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум даврида бўлганидек партиявий элита қўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

- фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

- тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;
- судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда ҳўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;
- солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;
- ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;
- қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ фуқаролар прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилди.

Айни пайтда прокуратуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди. Шунингдек, суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди. Туман ва шаҳар прокурорларининг эса тергов ва айбланувчини қамокда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор қилинди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларининг кейинги босқичида қонунчиликда амалга оширилиши керак бўлган ташкилий-ҳуқуқий чоралар. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг қўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш вазифаларни

самарали ҳал қилиш мақсадида амалга оширилиши керак бўлган ташкилий-ҳуқуқий чоралар:

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олмай қолди. Ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда.

Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарур. 1994 йилда қабул қилинган амалдаги мазкур кодексга ўтган давр мобайнида 60 мартадан кўпроқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиной-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг қўламли тарзда акс эттириши лозим. Бунда авваламбор жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни, айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бирхиллашувини таъминлайди. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ҳам мазкур кодексда кўзда тутиш лозим.

Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда,

давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш талаб этилмоқда. Адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди¹⁴.

¹⁴ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220).

II бoб. СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ.

2.1. Давлат ҳокимияти органлари тизимида суд органларининг тутган ўрни.

Ҳуқуқий демократик давлат эркин фуқаролик жамиятида суд ҳокимиятининг мавқеи юксак саналади, бинобарин, адолатни таъминловчи маҳкама сифатида айнан суд эътироф этилади.

Суд ҳокимияти — бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатли органдир.

Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил шаҳобчаларидан бири бўлиб, жамият ҳаётида одил судловни амалга оширишга қаратилган фаолиятни амалга оширади. Одил судлов ўз моҳиятига кўра, давлат фаолияти ҳисобланади, бунда ваколатли суд муассасаси ҳуқуқ нормалари талабларини бузиш оқибатида келиб чиқувчи низоли ҳолатларни муҳокама этиб, ҳал этади.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг Конституциявий-ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва фаолият юритишнинг қонуний асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги 2000-йил 14-декабр) қонуни билан белгиланади.

Конституцияда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар, сиёсий партиялардан бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти тизими қуйидаги судлардан ташкил топган:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди;
3. Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди;

4. Қорақалпоғистон Республикасининг Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари;
5. Ҳарбий судлар;
6. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари.

Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди. Қонун судларни ташкил этиш, уларни сайлаш ва тайинлаш тартибини белгилайди Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Судлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ содиқлик, мустақиллик, коллегиялик, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглиги суд тизими фаолиятининг асосий принципларидир.

Суд ишлари ичида энг асосий вазифа одил судловни амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, суд ҳокимиятининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ваколатлари ҳам мавжуд:

- 1) Конституциявий назорат;
- 2) Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятлари ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текшириш;
- 3) Суд ҳукми ва қарорларнинг ижросини таъминлаш;
- 4) Судларга тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини кўриб, текшириб чиқиш;
- 5) Суд амалиётидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик масалалари бўйича тушунтириш ваколати;
- 6) Судьялар таркибининг шаклланишида иштирок этиш ва унинг органларига ёрдам бериш ваколати.

Суднинг фаолияти қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир. Суд ҳокимияти фаолиятининг Конституциявий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Конституциявий суди тўғрисида», «Судлар тўғрисида», «Ҳарбий

судларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом». Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят ижроия кодекси ва бошқаларга таянади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108-109-моддаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳуқуқий ҳолати мустақамланган. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан- Конституциявий суд раиси, раис ўринбосарлари ва судьялардан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси вакилидан иборат таркибида сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар. Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари, сиёсий партиялар, ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсундилар¹⁵

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди:

- 1) Қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармонлар, ҳукумат қарорлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномалар ва бошқа мажбуриятларнинг Ўзбекистон Конституциясига мослигини аниқлайди;
- 2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. «Ўзбекистон» Т.: 2014 й.

мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолиятини кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади¹⁶.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди эса «Судлар тўғрисида»ги қонун асосида фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб боради ва уларнинг ишларини умумлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида кўради. У ўзи биринчи инстанция сифатида кўрган ишларни апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўриши мумкин. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — суд раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда иш олиб боради:

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми;

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати;

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. «Ўзбекистон» Т.: 2014 й.

—Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;

—Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;

—Ҳарбий ҳайъат.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми энг юқори судлов инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий судларининг раисларидан иборат таркибда иш олиб боради.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди раис ва судьялардан иборат бўлади. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркибида маъмурий ишлар бўйича судьялар ҳам фаолият олиб боради.

Ҳарбий судлар тизими «Судлар тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган ва қонуннинг 39-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судлари тизими Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат.

Ҳарбий судлар тизимида асосий бўғин округ ва ҳудудий Ҳарбий судлар ҳисобланади, улар фақат биргина функцияда, биринчи инстанция бўйича ўз ваколат доирасида ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадир. Вилоят суди мақомига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳарбий судлар тизимида ўрта бўғин ҳисобланади.

Ҳарбий суд тизимида энг юқори суд инстанцияси Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлиб, унинг таркибига ҳарбий ҳайъат киради.

Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг, шунингдек, ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар ва ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни;

ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни; алоҳида ҳолатларга кўра умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда ҳамма фуқаролик ва жиноят ишларини; давлат сирларига тааллуқли ишларни кўради¹⁷.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, иқтисодиёт ва хўжалик соҳасида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш учун хўжалик судлари жорий этилди. Хўжалик судлари «Судлар тўғрисида»ги қонун асосида фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди хўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг тушунтиришлари хўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қилади, қуйи хўжалик судлари фаолиятини текширади, хўжалик судларининг ишини ташкил этиш ижобий тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяларидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда иш олиб боради:

—Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми;

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Янги Қонунлари. «Ўзбекистон». Т.: 2014 й.

—Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати;

—Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати;

—Маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг ўз судлов тизими шаклланди, ҳуқуқий асослар яратилди, мазкур тизим одил судлов манфаатларига тўла жавоб беради, фуқаролар ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли кафолат ҳисобланади.

II бoб. СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

2.2. Суд ҳокимиятини ташкил этишнинг конституциявий-ҳуқуқий тамойиллари.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида: «Суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шундай қилганда, ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиш лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил тармоғига айланади», деб таъкидлаши бежиз эмас.

Суд ҳокимияти бошқа ҳокимият тармоқларидан холи равишда фақат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига амал қилиши, бир қатор принципларига риоя этиши зарур бўлади.

Қонунийлик одил судловнинг асосий тамойилларидан биридир. «Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар». «Қонунийлик» деганда барча давлат ва нодавлат органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар ва уларга мувофиқ келадиган бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига оғишмай амал қилиши ва ижро этиши тушунилади. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида берилган бўлиб, унга кўра, «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади».

Суд ҳокимияти ташкилий мустақиллигининг моҳияти судлар ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларига

бўйсунмаслиги, мустақил бўлиш лозимлиги ҳақидаги ғоядан иборат. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳокимиятнинг ваколатларига кирадиган қарорларни қабул қилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, судлар фаолиятини молиялаштириш фақат қонун чиқарувчи ҳокимият тасдиқлайдиган давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади. Уларнинг моддий техника таъминоти ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган воситаларга доир ишларнинг ташкил этилиши «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, махсус ваколатли орган томонидан бажарилади.

Одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга, йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьялар ҳам маслаҳат пайтида билдирилган мулоҳазаларни ошкор қилишлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига кўра «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қафи назар қонун олдида тенгдирлар».

Қонун олдида тенглик - бу қонунларда мустаҳкамланган қоидаларнинг ҳамма фуқароларга нисбатан бир хилдаги қўлланилишидир. Бунда нафақат ҳуқуқларнинг берилиши, балки уларнинг амалга оширилишини тартибга соладиган қонунларга мувофиқ жавобгарлик қўлланилиши ҳам назарда тутилади. Ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиши учун қонун ҳар хил сабабларга кўра ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган шахсларга қўшимча қафолатлар белгилайди (вояга етмаганлар, жисмоний нуқсони ёки руҳий касаллар ва ҳк.).

Суд олдида тенглик тушунчаси қонун олдида тенглик тушунчасидан жиддий фарқ қилмайди. У суд олдида у ёки бу тарзда турган барча фуқароларга тенг процессуал ҳуқуқлар берилишини ва тегишли

мажбуриятлар юкланишини англатади.

Суд олдида мулкый аҳволи, лавозимидан қатъи назар, ҳамма расмий равишда тенгдир. Барчанинг қонун олдида тенглиги тамойили нафақат Ўзбекистон фуқароларига, шу билан бирга, ажнабий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тегишлидир. Қонун талабларига кўра, давлатнинг бир қатор мансабдор шахслари, судьялар, депутатлар, прокурорлар учун уларни жавобгарликка тортишнинг алоҳида қоидалари белгиланган.

Фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг таъминланиши тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари-нинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади».

Фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактнинг 14-моддасида, «Инсон ҳуқуқлари ва сиёсий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Европа Конвенциясининг 6-моддаси биринчи қисмида мустаҳкамлаган.

Ўзбекистон Республикасининг 1995-йил 30-августдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судда шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунда аниқлаштирилган. Ҳуқуқ ва эркинликларни судда ҳимоя қилиш ҳар бир кишига кафолатланади. Ушбу ҳуқуқ ўз манфаатларини шахсан, адвокат ёки қонуний вакили орқали ҳимоя қилиш мумкин бўлган жисмоний шахсга тегишлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида қилган маърузасида шундай деб таъкидлади: «Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг

бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади»¹⁸.

Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи юридик ёрдам олиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир, чунки қонунлар, уларни қўллаш амалиёти, судларда ишларни юритиш тажрибасини билмасдан туриб, суд ҳимоясида бўлиш имкониятларини самарали амалга ошириш мумкин эмас.

Қонуннинг бузилишига олиб келган барча хатти-ҳаракат, қарорлар ёки ваколатларнинг ошириб юборилиши ёхуд кимнингдир ҳуқуқларини поймол қилиш каби ҳоллар устидан судга шикоят билан мурожаат қилиш мумкин. Бундан ташқари, нафақат Конституциявий, шу билан бирга бошқа барча ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳам суд ҳимоясида бўлади. Конституция қафолатлаб қўйган ва қонун ёки шартномада белгиланган ҳуқуқларнинг ҳимояси масаласида судга мурожаат қилиш мумкин. Бузилган ҳуқуқнинг хусусиятига қараб, уларни ҳимоя қилиш тегишлича Конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноят ва хўжалик суд ишларини юритиш тартибда амалга оширилиши мумкин.

Айбсизлик презумцияси тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқиб, унинг айби аниқламагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади».

Ушбу тамойил фақат ишларни жиноят судида кўриб чиқиш асосида амал қилади, айбсизлик презумцияси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нуфузли халқаро ҳужжатлар: инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (11-модда), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (14-модда), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенсияси (6-модда 2-қисм) қоидаларига мувофиқ келади. Одил судловни амалга оширишнинг Конституциявий тамойили айбланувчининг

¹⁸ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.-Т.: «Ўзбекистон», 2002, 33-бет.

нафақат жиноят процессидаги, шу билан бирга, у субъект сифатида катнашадиган барча ижтимоий муносабатларидаги ҳуқуқий мақомини белгилайди. Ҳатто айбланувчи ҳибсда сақланаётган бўлса, суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар унинг меҳнатга оид, оммавий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари сақланиб қолади.

Умуман олганда, ушбу Конституциявий меъёр бевосита амал қиладиган меъёр бўлиб, суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми бўлмаган тақдирда ҳар қандай шахс билан айбдор билан муомала қилгандек муомалада бўлишини тақиқлайди. Бироқ ушбу айбланувчи (гумон қилинувчи) жиноят содир қилганлиги тўғрисида асосли гумон мавжуд бўлганида, бундай шахснинг айрим ҳуқуқлари (масалан, эркин юриш, ёзишмалар, почта ва телеграф хабарномаларини олиш ва юбориш ҳуқуқлари) қонунда назарда тутилган тартибда чекланиши мумкин. Қонуний кучга кирган оқлов ҳукми айбсизлик презумцияси тамойилига мувофиқ айбсиз, деб эълон қилинишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасига кўра, барча судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади. «Ҳар бир киши ҳар қандай жиноий айбловни, унга қўйилаётган жиноий айбловни кўриб чиқишда ёки қандайдир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашда ишнинг қонун асосида ташкил этилган ваколатли, мустақил ва ҳолис суд томонидан адолатли ва ошкора тартибда кўриб чиқиш ҳуқуқига эга» дир.

«Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси судлов ишларини юритишнинг ошкоралик тамойилини назарда тутди. Ушбу модда мазмунидан шундай ҳулоса келиб чиқадики, «ошкоралик» тамойили «судда ишларни очик кўриш» атамасининг синоними сифатида ишлатилади. Бу тамойил, ФПКнинг 10-моддаси, ХПКнинг 8-моддаси ва ЖПКнинг 19-моддаси билан ҳам тартибга солинади.

Унинг моҳияти шундан иборатки, у ёки бу суд иши бўйича процесс иштирокчиси бўлмаган фуқароларнинг ишини кўриб чиқишда, суд

муҳокамаси пайтида иштирок этиш имконияти таъминланади. Бу суд фаолиятининг яхшиланишига кўмаклашади, уни вужудга келтирадиган масалаларнинг ҳал этилишига кўпроқ масъулият билан ёндашишга мажбур қилади, фуқароларни қонунийликни мустаҳкамлаш руҳида тарбиялашга таъсир кўрсатади, теварак-атрофдагилар учун профилактик аҳамият касб этади ва шу тариқа, жамоатчиликнинг одил судлов устидан назорат юритишининг ўзига хос шакли ҳисобланади.

Суд ишларини юритиш тили тамойили. 1966-йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси 3-қисмига кўра, «Ҳар бир киши унга қўйилган ҳар қандай жиноий айбловнинг кўриб чиқилишида, агар у суд жараёнида қўлланилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда сўзламаса, бепул таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир».

— «Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишларини олиб бораётган тилни билмайдиган судда қатнашуви шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиши ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади»¹⁹.

Суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон хизматидан фойдаланиш имконияти кафолатланади. Таржимон эса ўз навбатида, ишнинг кўриб чиқилишида ўз вазифаларини аниқ ва тўлиқ амалга оширишга мажбур. Бундай мажбуриятнинг бажарилмаслиги жиноий жавобгарликка тортишга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Таржимоннинг айбланувчи (гумон қилинувчи, судланувчи)га кўрсатиладиган хизматлари ҳар доим ҳам бепул бўлади.

Ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари процесс иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқлари, ва жумладан, таржимон хизматларидан фойдаланиш, ўзининг она тилида сўзлаш, баён этиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришлари шарт. Тергов ва суд ҳужжатлари ҳам бундай

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014 й.

шахсларга улар тушунадиган тилга таржима қилинган ҳолда топширилади. Бундан ташқари суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсга дастлабки терговда ва ишнинг судда кўриб чиқилишида мажбурий тартибда ҳимоячининг иштирок этиши таъминланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиш тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 116-моддасида: «Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади».

Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айбловни кўриб чиқишда ўзи танлаган ҳимоячи иштирокида судланиш ва ўзини шахсан ёки ўзи танлаган ҳимоячи орқали ҳимоя қилиш, мабодо у ҳимоячига эга бўлмаса, у бундай ҳуқуққа эга эканлиги ҳақида хабардор қилиниши ва одил судлов манфаатлари талаб қилган ҳолларда унинг учун ҳимоячи хизматларига пул тўлаш имконияти бўлмаганида ҳар қандай ҳолда бепул тартибда тайинланган ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Бу тамойил Конституциянинг 116-моддасидан ташқари «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси ва ЖПКнинг 20-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу меъёрлар жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларда ҳимояланиш ҳуқуқи борлигини нафақат эълон қилади, балки айти бир вақтда, бу ҳуқуқнинг кафолатланганлигини ҳам алоҳида таъкидлайди. Ўзбекистон Республикасида Судлар ушбу тамойилларга асосланган ҳолда иш юритиб, қонунга итоаткорлик руҳида фаолият кўрсатади.

Судьяларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайланиш тартиби, тайинланиши ва лавозимини эгаллаши, улар мустақиллигининг кафолатлари, шунингдек, уларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти

Ўзбекистон Республикаси Конституция ва «Судлар тўғрисида»ги қонун нормаларида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 61-моддасига кўра, судьялар олдига бир қанча талаблар қўйилади.

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумот, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин. Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, судья бўлиб камида икки йил меҳнат қилган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, судья бўлиб камида беш йил меҳнат қилган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин. Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиб, судларда иштирок этишлари мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, ўн саккиз ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан бир ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Судьялар беш йил муддатга тайинланади.

Конституция ва қонун судьяларга асосий талаблардан ташқари, қатор қўшимча талаблар ҳам ўрнатганлигини таъкидлаш лозим:

—Судьялар ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари бўлиши мумкин эмас;

—Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас;

—Судьялар илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 65-моддасига кўра судьялар қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланадилар:

- Мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш;

- Мансабдор ва бошқа шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот олиш;
- Уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга;
- Судьялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Судьялар фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлишлари шарт.

«Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 70-моддасига кўра, судьялар ўз фаолиятларида дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойи, хизмат хонаси, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситалари, хат-хабарлари, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадларида уларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси, Адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан Ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судья судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьянинг турар жойи ёки хизмат хонаси, фойдаланадиган

транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек, унинг хатхабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Туманлараро, туман (шаҳар) суди, округ ва ҳудудий ҳарбий суд судьясига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишлидир.

Судда ўз вазифаларини бажараётган даврда халқ маслаҳатчиларига судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари тадбиқ этилади.

«Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 71-моддасига мувофиқ, судьяларнинг ваколатлари қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

- Судья жиноий жавобгарликка тортилган бўлса;
- Судья ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;
- Судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган ёки суд қарори билан унинг муомала лаёқати чекланган бўлса;
- Судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;
- Судьянинг ваколатлари бу ваколатларни тўхтатишга сабаб бўлган асослар бекор бўлгунга қадар тўхтатилади.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига баҳо бериш мақсадида судьяларнинг малака ҳайъатлари вақти-вақти билан судьяларнинг малака аттестацияларини ўтказиб туради. Судьяларга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган таътил берилади, шу билан бирга судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг махсус муҳофазасида бўлади ҳамда Республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилинади.

Хулоса.

Республикаимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг тамал тоши бу Асосий қонун – Конституциядир. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Президентимиз Ислон Каримов айтганларидек, Конституция давлатимизнинг қонунчилик негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатимизнинг тамал тоши бўлади.

Мамлакатимиз Асосий қонуни - Конституция асосида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. 1993 йилда “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг (2000 й. янги таҳрири) қабул қилиниши судларнинг мустақил ҳокимият тармоғи сифатида шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Суд ҳокимияти давлат органлари тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига бевосита дахлдор бўлиб, одил судловни амалга ошириш фаолияти натижасида шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади.

Суд ҳокимияти, давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, у ўз функцияси бўйича ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларидан фарқ қилади. Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан биргаликда мавжуд бўлиши демократик давлатнинг муҳим белгисидир.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида суд тизimini такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (ПФ-2682. 2000 йил 14 август) билан умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви, яъни, фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ажратилгани судларда ишларни кўриш ва ҳал қилиш сифатининг ошишига, судьяларнинг профессионаллашувига, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилинишининг янада такомиллашишига сабаб бўлди.

Ушбу фармон талаблари ва республикаимизда суд ислохотларини олиб

боришнинг янги босқичига ўтилишини таъминлаш мақсадидида 2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу қонун умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларининг замон талаблари асосида фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларида судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш борасида ҳам бир қанча ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг яна бир жиҳати суд қарорларининг ижросини таъминлашга қаратилди. 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун суд қарорлари ижросини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок судда иш кўриш жараёнида тарафлар тенглиги, жумладан, прокурор ва адвокат (ҳимоячи)нинг процессуал тенглигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

“Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепцияси” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сонли қарори билан тасдиқланган)да жазо тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш ва уни умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштиришда устувор йўналишларни амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2005 йил 1 август куни имзоланган “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги фармони суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг жуда муҳим босқичи ҳисобланади. Ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан бекор қилинишининг зарурий хусусияти жиноят содир этган шахснинг жазосини енгиллаштириш ёки бундай шахсларга мурувват кўрсатишдан ҳам кўра

кўпроқ айбсиз кишиларнинг гуноҳсиз жазоланиб кетишининг олдини олиш учун ҳам муҳимроқ ҳисобланади.

2008 йил 1 январдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши дастлабки тергов даврида айбланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши имкониятларини кенгайтирди, ушбу жараённинг очик, демократик тарзда ҳал қилинишини таъминлади, санкция бериш вақтида ҳимоячи иштирокини таъминлашни янада кенгайтирди.

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жихатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Мавзуни ўрганиб қуйидаги таклифларни билдирмоқчиман:

- Мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;
- Судларда ишларни адолатли ва ўз вақтида кўри чиқилиши таъминлаш;
- Судлар ихтисослашуви билан бир каторда судьяларнинг ихтисослашувини ҳам амалга ошириш зарур деб уйлайман

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари.

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Асарлар, 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли– Т.: Ўзбекистон, 1993.
- 3.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т., “Ўзбекистон”, 1995.
- 4.Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Асарлар, 7-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999.
- 5.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
- 6.Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.
- 7.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13–жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
- 8.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 9.“Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир”. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
- 10.“Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

11.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220),

12.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.

Қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар.

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг Янги Қонунлари. «Ўзбекистон». Т.: 2014.

Махсус адабиётлар.

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
2. Абдумажидов Ғ.А., Саломов Б. Ўлим жазосини бекор қилишда ижтимоий-ҳуқуқий йўналишлар. Ўлим жазосини бекор қилишнинг ташкилий ҳуқуқий жиҳатлари. Илмий-амалий анжуман материаллари. /Масъул муҳаррир: Б.Ахроров. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006.
- 3.Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2002.
- 4.Смерная казнь в регионе ОБСЕ. Справочный документ. ОБСЕ/БДИПЧ, 2004/1.
- 5.Рустамбоев М., Ахмедов Д., Ўзбекистон Республикаси конституциясини урганиш” — Т.: “Янги аср авлоди”, 2005.

Интернет сайтлари.

- 1.<http://LEX.uz>

2. <http://norma.uz>
3. <http://pravo.uz>
4. www.referat.uz
5. www.goggle.ru
6. <http://2004.press-service.uz/rus/konstitutsiya/konstitutsiya.htm>
7. <http://2004.press-service.uz/rus/prensa/pl2032001.htm>
8. [www.search.uz/uzbekistan/constitution/constitutionlaw one.php](http://www.search.uz/uzbekistan/constitution/constitutionlaw%20one.php)
9. <http://search.ru/tov/osnovi-konstitutsionnogo-prava-lav-uz>

Андижон давлат университети
Тарих ва ижтимоий фанлар факультети
«Миллий ғоя, маънавият асослари ва
ҳуқуқ таълими» йўналиши кундузги
бўлим 4 курс в-гуруҳ битирувчиси
Жабборов Достоннинг «Суд ҳуқуқ
ислоҳотлари: судлар мустақиллигини
таъминлаш ва уларни ихтисослаштириш
фаолиятини такомиллаштириш»
мавзусидаги битирув малакавий ишига

Т А Қ Р И З

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижаси кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир. Жабборов Достоннинг «Суд ҳуқуқ ислоҳотлари: судлар мустақиллигини таъминлаш ва уларни ихтисослаштириш фаолиятини такомиллаштириш» мавзусидаги битирув малакавий иши бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади.

Битирув малакавий иши кириш, икки боб, тўрт параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси ва тузилиши ишнинг кириш қисмида ўз ифодасини топган.

Муаллиф мавзуни ёритишда тўғри йўналиш танлаган ва мавзуни ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, Президент асарларидан, норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан ва ҳуқуқшунос олимларнинг дарсликларидан унумли фойдалана олган.

Битирув малакавий иш мавзуси бугунги куннинг энг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланганлиги учун уни янада кенгрок ёритиш ва кўпрок маълумотлар киритиш ҳам мумкин деб уйлайман, лекин битирувчи талаба ўзининг дунёқараши доирасида мавзуни ёритганлигини инобатга олиб бу камчиликлар ишнинг ҳимояга тавсия этилишига тўсқинлик қилмайди.

Битирув малакавий иш мавзуси ўзининг тузилиши, мавзуни ёритилиш

даражаси, илмий-назарий савияси билан олий ўқув юрти талабларига тўлиқ жавоб беради ва уни ижобий баҳолаш мумкин.

Тақризчи:

Пахтаобод туман И.И.Б.бош терговчиси

Маёр Жабборов Ботиржон.

Андижон давлат университети
Тарих ва ижтимоий фанлар факультети
«Миллий ғоя, маънавият асослари ва
ҳуқуқ таълими» йўналиши кундузги
бўлим 4 курс в-гуруҳ битирувчиси
Жабборов Достоннинг «Суд ҳуқуқ
ислохотлари: судлар мустақиллигини
таъминлаш ва уларни ихтисослаштириш
фаолиятини такомиллаштириш»
мавзусидаги битирув малакавий ишига
илмий раҳбар

ХУЛОСАСИ

Суд ҳокимияти, давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, у ўз функцияси бўйича ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларидан фарқ қилади. Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан биргаликда мавжуд бўлиши демократик давлатнинг муҳим белгисидир. Суд ҳокимияти давлат органлари тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига бевосита дахлдор бўлиб, одил судловни амалга ошириш фаолияти натижасида шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади.

Жабборов Достоннинг «Суд ҳуқуқ ислохотлари: судлар мустақиллигини таъминлаш ва уларни ихтисослаштириш фаолиятини такомиллаштириш» мавзусидаги битирув малакавий иши бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, тўрт параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси ва тузилиши ишнинг кириш қисмида ўз ифодасини топган.

Талаба мавзуни ёритишда тўғри йўналиш танлаган ва мавзуни ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, Президент асарларидан, норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан ва ҳуқуқшунос олимларнинг дарсликларидан унумли фойдалана олган.

Битирув малакавий иш мавзуси бугунги куннинг энг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланганлиги учун уни янада кенгрок ёритиш ва кўпроқ маълумотлар киритиш ҳам мумкин деб уйлайман, лекин битирувчи талаба ўзининг дунёқараши доирасида мавзуни ёритганлигини инобатга олиб бу камчиликлар ишнинг ҳимояга тавсия этилишига тусқинлик қилмайди.

Битирув малакавий иш мавзуси ўзининг тузилиши, мавзуни ёритилиш даражаси, илмий-назарий савияси билан олий ўқув юрти талабларга тўлиқ жавоб беради ва уни ижобий баҳолаш мумкин.

Илмий раҳбар:

Ф.Думаев.

